

## **ТОВАР КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙ НОМИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ**

**Иномжон Болтаев**

Ургенч давлат университети ўқитувчиси

### **АННОТАЦИЯ**

*Мақола товар келиб чиққан жой номларига бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш шартлари, уларнинг муайян ҳудуд билан узвий боғланганлиги ва рўйхат ўтказилиши каби масалалар таҳлил этилади. Амалга оширилган таҳил асосида муаллиф товар белгиларига оид қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклифларни илгари суради.*

**Калит сўзлар:** *Товар келиб чиққан жой номи, интеллектуал мулк, товар белгиси, ҳуқуқ эгаси, гувоҳнома, ҳуқуқ, муҳофаза шартлари.*

### **АННОТАЦИЯ**

*В статье анализируется условия охраны прав на место происхождения товара, связанность их с отдельным территорию и вопросы регистрации. На основе осуществленного анализа автор выдвигает предложения по совершенствованию законодательство об место происхождения товара.*

**Ключевые слова:** *Место происхождения товара, интеллектуальны собственность, товарный знак, правообладатель, право, условия охраны*

### **ABSTRACT**

*The article analyzes the conditions for protection of rights to the place of origin of goods, their connection with a particular territory and registration issues. On the basis of the analysis, the author proposes proposals for improving legislation on the place of origin of the goods.*

**Keywords:** *Place of origin of goods, intellectual property, trademark, right holder, right, conditions of protection.*

### **КИРИШ**

Фуқаролик ҳуқуқларини муҳофаза қилишда мазкур ҳуқуқларнинг вужудга келиш асослари ва тартиби, ҳуқуқ объектларининг муайян шартларга жавоб бериши ва ҳуқуқ субъектининг тегишли тартиб-таомилларга риоя этиши талаб этилиши ҳам мумкин. Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш учун муайян шартларга риоя этилиш бу мутлақ тусдаги ҳолат ҳисобланмайди. Бироқ ҳуқуқ муҳофазаси айни пайтда ҳуқуқ эгасининг қонун талабларига риоя этиши ва ҳуқуқ объектининг белгиланган талаблар доираси мавжуд бўлиши асосий мезондир. Шу жиҳатдан интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқларни

муҳофаза қилиш муайян шартлар асосида амалга оширилади ва бунда муҳофаза этилиши учун тегишли шартларга риоя этилиши лозим бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 98-моддасида хизмат ва тижорат сирларини ҳимоя қилиш шартлари белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сирини бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Интеллектуал мулкнинг ўзига хос объекти ҳисобланган ТКЧЖНга нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза қилишда ҳам бир қатор шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Мазкур ҳолат адабиётларда ҳам қайд этилган. Жумладан, О.Оқюловнинг фикрича, товар келиб чиққан жой номига бўлган ҳуқуқ ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши учун қуйидаги шартлар мавжуд бўлиши лозим:

1) маълум жой, ҳудуд ўзининг табиий-иқлим ва рельеф шарт-шароитларига кўра, унда яшовчи аҳолининг касбкор маҳорати, малакаси туфайли ўзига хосликларга эга бўлиши;

2) бу ўзига хослик ушбу жойда, ҳудудда тайёрланадиган, ишлаб чиқариладиган товарлар, кўрсатиладиган хизматларни алоҳида сифати. Хусусияти, белгиларини таъминловчи омил бўлиши;

3) юқоридаги ҳолат товарлар бозорида маълум ва машҳур бўлиши талаб этилади [4, 163 б].

ТКЧЖНга нисбатан ҳуқуқларни муҳофаза қилишнинг мазкур шартлари аввало тегишли номнинг муайян ҳудуд билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиладиган товарда ифодаланиши ва бундай ифода жўғрофий объектнинг табиий иқлим шароитлари ва шу жойдаги инсон омили ва узоқ муддат давомида шаклланган ҳунармандчилик анъаналари билан алоқадорлигидан келиб чиқади. Айнан мазкур шартлар мавжуд бўлганда товарни ушбу ном остида ишлаб чиқараётган шахс ўзининг мазкур ҳуқуқини рўйхатдан ўтказди ва уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш имкониятига эга бўлади.

ФКнинг 1108-моддаси 3-қисмига биноан, гарчи жўғрофий объектнинг номи бўлса-да ёки шу номни ўз таркибига олган бўлса-да, аммо Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товарнинг у тайёрланган жой билан боғлиқ бўлмаган белгиси сифатида умумий истеъмолга кириб кетган белги товар чиқарилган жой номи деб эътироф этилмайди ва ушбу параграф қоидаларига

мувофиқ ҳуқуқий муҳофаза мақсадларида рўйхатдан ўтказилмайди. Бироқ бу ҳол бундай номдан инсофсизлик билан фойдаланиш натижасида ҳуқуқи бузилган шахсни ўз ҳуқуқларини қонунда назарда тутилган бошқача усуллар билан муҳофаза қилиш имкониятидан маҳрум этмайди.

Қонуннинг 11-моддасида товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайдиган белгилар ҳақида талаблар белгиланган. Мазкур моддага мувофиқ, қуйидаги белгилар товар келиб чиққан жой номи сифатида рўйхатдан ўтказилмайди:

товар келиб чиққан жой хусусида истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар;

товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар;

товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар.

ТКЧЖН хусусида истеъмолчини чағитиб қўядиган жўғрофий ном бўлган белгилар одатда товарни айнан мазкур жўғрофий номостидаги объектда эмас бошқа ҳудудда тайёрлаб, лекин айнан шу номдан фойдаланиб муомалага киритишда намоён бўлиш мумкин. Масалан, Самарқанд нони номи остида нонни Тошкентда тайёрлаб сотиш, Чуст пичоғини Ангренда тайёрлаб муомалага киритиш ёки шу каби бошқа ҳолатлар. Қолаверса, “Кагор” ва “Портвейн” номлари остида вино маҳсулотларини Россия ёки Украинада тайёрлаб сотиш ҳам ТКЧЖНдан истеъмолчини чалғитиб қўядиган жўғрофий белги ҳисобланиши олиб келади. Бироқ бу ҳолат бундай маълум ва машҳур номдан инсофсизлик билан фойдаланиб харидорларни, истеъмолчиларни алдаш, паст сифатли товарларни ўтказиш воситаси сифатида фойдаланилганда ҳуқуқи бузилган шахсни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қопланишини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди [4, 164 б].

Расман товар келиб чиққан ҳақиқий жой номини кўрсатсада, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлигини англатувчи белгилар ҳам уни чиқараётган шахсга ТКЧЖНга нисбатан ҳуқуқларни вужудга келтирмайди.

Д.А.Огайнинг фикрича, товар келиб чиққан жой номининг ўзига хос хусусияти, битта жой номига нисбатан мутлақ ҳуқуқ бир вақт ўзида бир неча шахсларга тегишли бўлиши билан белгиланади. Товар келиб чиққан жой номидан фойдаланиш ҳуқуқи жамоавийлик тусига эга. Товар келиб чиққан жой номи муайян ҳудуд жойлашган жўғрофий объект билан узвий боғлиқ ва уни лицензия шартномаси асосида бошқа жўғрофий объектда товар ишлаб

чиқарувчига бериш товарнинг хусусиятлари бўйича истеъмолчини чалғишига сабаб бўлади [3, 17 б].

О.Ю.Шилохвостнинг қайд этишига кўра, товар келиб чиққан жой номи сифатида ҳуқуқий муҳофаза лаёқатлилигини асослантирувчи талабномада ифодаланган белгининг мазмунига нисбатан ягона талаб бу - фарқлашдир, зеро, унга кўра, товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва мамлакатда муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар ҳуқуқий муҳофаза этилмайди [5, 684 б].

Европа Иттифоқи қонунчилигида ҳам муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар (denomination generique) рўйхатдан ўтказилмайди. Бундай белгилар деганда, маҳсулот дастлаб ишлаб чиқарилган ва тижорат муомаласига киритилганлиги гарчи муайян жой ёки ҳудудга оид бўлсада, қишлоқ хўжалиги ёки истеъмол маҳсулотлари учун умум фойдаланишда бўлган белгилар тушунилади. Европа комиссияси белгининг муайян турга оид эканлигини аниқлаш учун ҳар қандай зарурий чораларни қўллайди (қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва истеъмол товарларини жўғрофий белгилари ва келиб чиқиш жойига оид Европа Иттифоқи Кенгашининг 2081/92 – сонли Регламентини қўллаш шартларини белгиловчи 1993 йил 27 июлдаги 2037/93-сонли Регламенти 4-моддаси) [1, 5 б].

Белги агар ўсимлик нави ёки ҳайвон зоти билан боғлиқ бўлганлиги муносабати билан маҳсулотни ишлаб чиқарилган жойи тўғрисида истеъмолчини чағитишга сабаб бўлса, келиб чиқиш жойи ёки жўғрофий белги сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин эмас.

Товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгиларни аниқлашнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш учун Европа Иттифоқи Судининг С-465/02 ва С-466/02 ишларини бирлаштириш бўйича 2005 йил 25 октябрдаги қарори бўйича Суд амалиёти таҳлилини келтириш ўринлидир. Мазкур иш истеъмол маҳсулотининг товар келиб чиққан жой номи сифатида “Қишлоқ хўжалиги ва истеъмол маҳсулотларининг жўғрофий белгилари ва келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2081/92-сонли Регламентининг 2-моддасига асосан рўйхатга олинган “Фета” номли грек пишлоғига оиддир. 1996 йил 12 июнда Европа комиссияси 2081/92-сонли Регламентининг 17-моддасида кўзда тутилган таомиллар доирасида жўғрофий белгилар ва келиб чиқиш жой номини рўйхатдан ўтказишга оид 1107/96 Регламентини қабул қилди. Мазкур Регламентга “Фета” номи Грецияда ишлаб чиқариладиган пишлоқнинг келиб чиқиш жой номи сифатида қайд этилди.

Натижада Дания ҳукумати “Фета” белгисининг муайян турдаги товарнинг умум фойдаланишдаги номи эканлиги масаласини илгари сурди, Европа Иттифоқи судининг 1999 йилдаги қарори билан мазкур белги умумий фойдаланишдаги белги, деб топилди. Кейинчалик, 1999 йил май ойида Европа комиссияси тегишли Регламентга ўзгартириш киритиб, ундан “Фета” белгисини чиқариб ташлади. Бироқ 2001 йил апрелда “Қишлоқ хўжалиги ва истеъмол маҳсулотларининг жўғрофий белгилари ва келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги 2081/92-сонли Регламентига мувофиқ ташкил этилган илмий кўмита “Фета” белгиси турга оид белги ҳисобланмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинди. Сўнгра 2002 йил 14 октябрда Европа комиссияси 1829/2002-сонли Регламентини қабул қилди, унга мувофиқ “Фета” истеъмол маҳсулотининг келиб чиқиш жойи сифатида ҳуқуқий муҳофаза остига олинди. Шу муносабат билан ГФР ва Дания ЕИ судига “Фета” номини, турга хос ном бўлганлиги сабабли рўйхатдан ўтказишни рад этиш талаби билан мурожаат этди. Бундан ташқари, даъвогарлар “Фета” номида жўғрофий тус мавжуд эмаслигини таъкидлашди. Бироқ ЕИ суди даъвогарларнинг талабини рад этди ва “Фета”нинг турга хослигини инкор қилган ҳолда “Фета” белгисини муҳофаза қилинадиган келиб чиқиш жой номи сифатида эътироф этди.

Қишлоқ хўжалиги ёки истеъмол маҳсулотлари келиб чиқиш жой номи ёки жўғрофий белги сифатида ҳуқуқий муҳофаза қилиниши учун қуйидаги намунавий шартларга жавоб бериши лозим:

1) келиб чиқиш жой номи ёки жўғрофий белгини ифодаловчи қишлоқ хўжалиги ёки истеъмол маҳсулотининг номи;

2) қишлоқ хўжалиги ёки истеъмол маҳсулотининг тавсифи, зарурият бўлганида дастлабки хомашё, асосий физик, кимёвий, маҳсулотнинг микробиологик ёки органик тавсифи;

3) жўғрофий ҳудуднинг чекланиши ва қишлоқ хўжалиги ва истеъмол маҳсулотларининг жўғрофий белгилари ва келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги Регламенти 2-моддаси 4-қисмида назарда тутилган шартларга риоя этилишини кўрсатувчи элементлар зарур бўлган ҳолларда ҳам жўғрофий ҳудуд чегараларининг белгиланиши;

4) жўғрофий белгилари ва келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги Регламенти 2-моддаси 2-қисми “а” ёки “б” бандларига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги ёки истеъмол маҳсулотлари мазкур жўғрофий ҳудуддан келиб чиққанлигини тасдиқловчи элементлар;

5) қишлоқ хўжалиги ёки истеъмол маҳсулотларини олиш методлари ва зурурий ҳолатларда маҳаллий, анъанавий ва доимий методлар, шунингдек



ҳуқуқий муҳофаза олишни талаб қилаётган тайёрловчилар бирлашмаси сифатни сақлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида муайян ҳудудда ўрамни тайёрлаш мажбуриятини белгилаб ва асослаб берган ҳолларда ўрамга оид элементлар;

6) жўғрофий белгилари ва келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги Регламенти 2-моддаси 2-қисми “а” ёки “б” бандларига кўра жўғрофий ҳудуд ёки жўғрофий келиб чиқиши билан боғлиқлигини асословчи элементлар;

7) Регламент 10-моддасида назарда тутилган назорат қилувчи тузилмаларга оид кўрсатмалар;

8) этикеткаларда “келиб чиқиш жойи” ёки “жўғрофий белги” ёки номнинг анъанавий миллий эквивалентлар билан боғлиқ махсус элементларнинг мавжудлиги;

9) миллий қонунлар ва товарларни ишлаб чиқариш соҳасидаги назоратга оид бошқа зарурий элементлар [1, 56-57].

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, амалдаги қонунчилик “товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англлатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар” айнан қайдай белгилар эканлигини, бундай белгилар сифатида айнан қандай ифодаларни тушуниш лозимлигини ва ниҳоят умум фойдаланишда бўлган белгилар учун хос бўлган умумий талаблар ва мезонларни назарда тутмайди. Аксинча, қонунчиликда, ҳаммага маълум товар белгиси тушунчаси белгиланган. Жумладан, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 32-1-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказиш асосида муҳофаза қилинадиган товар белгиси, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилмай ҳам муҳофаза қилинадиган товар белгиси, шунингдек товар белгиси сифатида фойдаланиладиган, лекин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳуқуқий муҳофазага эга бўлмаган белги юридик ёки жисмоний шахснинг аризасига биноан, агар бундай товар белгиларидан ёки белгидан муттасил фойдаланилиши натижасида улар аризада кўрсатилган санадаги ҳолатга кўра мазкур шахснинг товарлари хусусида Ўзбекистон Республикасида тегишли истеъмолчилар орасида кенг маълум бўлса, Ўзбекистон Республикасида ҳаммага маълум товар белгиси деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳаммага маълум товар белгисига ушбу Қонунда товар белгиси учун назарда тутилган ҳуқуқий муҳофаза берилади.

Мазкур қоида ҳаммага маълум товар белгиси деганда, нима тушунилиши ва бундай товар белгиси тегишли тартиб муҳофаза қилиниши назарда тутилганлигидан келиб чиқиб, “умум фойдаланишда бўлган белги” тушунчасининг ҳам таърифини қонунда ифодалаш лозим бўлади. Фикримизча, бу ҳолат “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонунинг 32-3-моддаси сифатида ифодаланиши ва бу модда “Умум фойдаланишда бўлган белгилар” – деб номланиши лозим. Мазкур модданинг мазмунини қуйидагича ифодалаш мақсадга мувофиқ:

Муайян турдаги товарларнинг белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган ва товар тайёрланган жой номи билан боғлиқ бўлмаган жўғрофий номни англатувчи ва Ўзбекистон Республикасида муайян турдаги товар белгиси сифатида умум фойдаланишда бўлган белгилар деганда, иш муомаласи одатларида муайян турдаги товарларни ифодалаш мақсадида қўлланиладиган ва исталган шахс томонидан ҳеч кимнинг розилиги ёки рухсатини олмасдан қўллаш мумкин бўлган белгилар тушунилади. Умум фойдаланишда бўлган белгилар ҳуқуқий муҳофаза этилмайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (REFERENCES)**

1. Reglement (CEE) №2037/93 de la Commission du 27 juillet 1993 portant modalités d eapplication du Reglement (CEE) №2081/92 du Conseil 1992 relatif a la protection des indications geographiques et des appellations d’origine des produits agricoles et des denr\_es alimentaires // Journal officiel des Communautes europeentss. –L. 185. – 28 juillet. – 1993. –P. 5 etc.
2. Абдулин А. Правовая охрана географических указаний и наименований мест происхождения сельскохозяйственных и пищевых продуктов а Евросоюзе // Интеллектуальная собственность. Промышленная собственность. 2006. -№11. –С. 56-57.
3. Огай Д.А. Проблемы совершенствования международно-правового регулирования средств индивидуализации: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Ташкент: 2009. – 17 с.
4. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. –Тошкент: ТДЮИ, 2004. – 163 б.
5. Шиловост О.Ю. Комментарий к части четвертой Гражданского кодекса РФ / Под ред. А.Л. Маковского; вступ. ст. В.Ф. Яковлева. -М.: Статут, 2008. - С.684.